

УДК: 616.891.4:616.37-008.64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПСИХИАТРИЯ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**Алимов Улуғбек Худоярович<sup>1</sup>, Велияева Алие Сабриевна<sup>2</sup>, Хаятов Рустам Батырбекович<sup>2</sup>

1 - Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПСИХИАТРИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**Алимов Улуғбек Худоярович<sup>1</sup>, Велияева Алие Сабриевна<sup>2</sup>, Хаятов Рустам Батырбекович<sup>2</sup>

1 - Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,

Республика Узбекистан, г. Ташкент;

2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

**THE MAIN ACTIVITIES OF THE PSYCHIATRIC SERVICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**Alimov Ulugbek Khudoyarovich<sup>1</sup>, Velilyaeva Alie Sabrievna<sup>2</sup>, Khayatov Rustam Batyrbekovich<sup>2</sup>

1 - Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,

Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [alsabvel@mail.ru](mailto:alsabvel@mail.ru)

**Резюме.** Ўзбекистон Республикасида руҳий саломатлик хизматини такомиллаштириши, руҳий касалликларни ташхислаш, даволаш, реабилитация қилиши ва олдини олиши бўйича йўналиш қабул қилинди. Мақолада ЎзР психиатрия хизмати ривожланишининг асосий йўналишлари курсатилган. Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг янги редакциядаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида” қонун ҳақида маълумот берилиб, унда руҳий беморларнинг ҳуқуқлари жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янада кенгайтирилганлиги, психиатрия ёрдами кўрсатишининг асосий принциплари кўрсатилган. Психиатрия хизматини янада ривожлантириши мақсадида охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Психиатрия ёрдами тизимини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сонли, “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини ривожлантириши концепцияси”ни тасдиқлаган 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сонли ва 2023 йил 19 июнь, ПҚ-196-сонли “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиши хизматини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари моҳияти келдирилган.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг руҳий саломатлиқни муҳофаза қилиши ва психиатрия ёрдамини кўрсатиши тизимини такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари.

**Abstract.** In the Republic of Uzbekistan, a direction has been taken to improve the mental health service, diagnosis, therapy, rehabilitation and prevention of mental disorders. Information is provided on the new version of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Psychiatric care", reflecting the basic principles of psychiatric care and the rights of mentally ill people, further expanded on the basis of international experience. The main provisions of the development of the psychiatric service are outlined in a number of Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan: dated March 16, 2018 No. PP-3606 "On measures to radically improve the system of psychiatric care; dated February 13, 2019 No. PP-4190 "On approval of the concept of development of the mental health service of the population of the Republic of Uzbekistan for 2019 — 2025", dated June 19, 2023, No. PP-196 "On measures for the further development of the mental health service."

**Key words:** The Psychiatric Service of the Republic of Uzbekistan, the Decisions of the President of the Republic of

**Долзарблиги.** Ўзбекистонда психиатриядаги ижобий ўзгаришлар биринчи навбатда ўз ифодасини 2000 йил августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонунида ва ўз ифодасини топди. Мазкур Қонуннинг моҳияти психиатрия ёрдами имкон қадар инсонпарвар ва демократик қилишга интилиш, уни тиббий ёрдамнинг бошқа турлари билан яқинлаштириш ва ҳатто қонуний жиҳатдан тенглаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сонли қарори топшириғини таминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги редакциядаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида» қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган қонунида ўз ифодасини топди (Тошкент ш., 2021 йил 12 май, ЎРҚ-690-сон). Қонунда руҳий беморларнинг ҳуқуқлари жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янада кенгайтирилган.

Қонун принциплари психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, ижтимоий ҳимояланганлик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, ахборотнинг махфийлигидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида» қонуни тўртта асосий вазифани ҳал қилишга қаратилган:

- психиатрия ёрдами кўрсатишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини уларнинг ҳаётига асоссиз аралашидан ҳимоя қилиш;

- руҳий касалликларга чалинган шахсларни психиатрия ташхиси, шунингдек психиатрия ёрдамига мурожаат қилиш фактлари асосида жамиятда асоссиз камситишлардан ҳимоя қилиш;

- жамиятни руҳий касалликларга чалинган шахсларнинг мумкин бўлган хавфли ҳаракатларидан ҳимоя қилиш;

- психиатрия ёрдами кўрсатиш билан шуғулланадиган шифокорларни, тиббиёт ходимларини ва бошқа мутахассисларни ҳимоя қилиш, уларга ўта хавфли, оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар сифатида имтиёзлар бериш, шунингдек психиатрик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда психиатрнинг мустақиллигини таъминлаш; учинчи шахсларнинг, шу жумладан маъмурият ва бошқарув аъзолари вакилларининг мумкин бўлган таъсирдан эҳтиёт бўлиш.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатишдаги ҳуқуқий ёндашув психиатрия хизмати замонавий тизимининг асо-

сидир. Беморга психиатрия ёрдами кўрсатишга розилик олишнинг асосий ахлоқий талаблари 2021 йил 3 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамлаб қўйилган.

Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, ижтимоий ҳимояланганлик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, ахборотнинг махфийлигидан иборатдир.

Психиатрия текшируви текширилаётган шахснинг маълумотларни билган ҳолда текширув ўтказилишига ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Вояга етмаган ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш шахснинг қонуний вакили ушбу текширувни ўтказишга маълумотларни билган ҳолда, психиатрия текшируви ўтказилишига ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Мавжуд маълумотларга кўра, текширилаётган шахс унда оғир руҳий ҳолатнинг унинг ўзи учун ёки атрофдагилар учун бевосита хавф солиши; унинг ёрдамга муҳтожлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қаноатлантиришга лаёқатсизлиги; агар шахс психиатрия ёрдами кўрсатилмасдан қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви туфайли унинг соғлиғига жиддий зарар етиши билан боғлиқ бузилиши мавжуд деб тахмин қилиш учун асос бўладиган ҳаракатларни содир этган ҳолларда, шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш ушбу ихтиёрий розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Ушбу ҳолларда шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор суд томонидан чиқарилади.

Руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириш учун шахсда руҳий ҳолатнинг бузилиши мавжудлиги ва шифокор-психиатрнинг стационар шароитларида текширувдан ўтказиш ёки даволаш тўғрисидаги қарори ёхуд суднинг қарори асос бўлади.

Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш ихтиёрий равишда унинг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади.

Вояга етмаган ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни психиатрия стационарига ётқизиш унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади

Стационарга ётқизишга розилик тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали ва руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакили-

нинг, шунингдек шифокор-психиатрнинг имзоси билан расмийлаштирилади.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш суднинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рухий ҳолати бузилган шахслар фуқароларнинг 2023 йил 1 май куни кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- ўз шаъни ва кадр-қиммати камситилишини истисно этадиган тарзда ҳурмат билан ва инсоний муносабатда бўлинишини;

- ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ўзининг руҳий ҳолати инobatга олинган ҳолда ўзида мавжуд бўлган руҳий ҳолати бузилишининг хусусияти ва қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақидаги ахборотни ўзи учун тушунарли шаклда, ўз вақтида ҳамда тўлиқ олиш;

- психиатрия ёрдами энг кам чекловли шароитларда, имкони борича, яшаш жойида олиш;

- стационар шароитларда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббиёт муассасасида фақат психиатрия ёрдами кўрсатиш учун зарур бўлган муддат мобайнида бўлиш;

- тиббий кўрсатмалар бўйича даволашнинг барча турларидан фойдаланиш (шу жумладан санаторий-курортда даволаниш);

- психиатрия ёрдами санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда олиш;

- профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий жиҳатдан реабилитация қилиш усуллари-нинг, дори воситаларининг ҳамда тиббий буюмларнинг, махсус шифобахш озик-овқат маҳсулотларининг, илмий тадқиқотларнинг ёки ўқувнинг синовлар объекти сифатида фойдаланилишга, шунингдек фото-, видео- ёки кинотасвирга олишга маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уларни рад этиш, шу жумладан тиббий аралашувнинг исталган босқичида рад этиш;

- ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан исталган шифокор-психиатрни шифокор-психиатрлар комиссиясида ишлаш учун ўз розилиги билан таклиф этиш;

- адвокатдан ёки қонуний вакилдан ёрдам олиш.

Рухий ҳолати бузилган шахслар ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганида қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки у тиббий муаммолар доирасидан анча юқори бўлиб, кўпроқ ижтимоий ва иқтисодий хусусиятга эга, уни аҳоли шароитлари, турли омилар ва турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишни талаб қилади.

Ўтган вақт давомида руҳий саломатлик хизматини яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Аҳолининг руҳий соғлиғини текширувдан ўтказиш, руҳий ва ҳулқ атвор бузилишларни профилактикаси, ташхислаш, даволаш, ва тиббий-ижтимоий реабилитацияси тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу йўналишда зарур ҳуқуқий ва моддий-техника базаси яратилди, малакали врач-психиатрлар билан таъминланган ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерлари қурилди, аҳолига сифатли ва ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш ақлий ривожланишдаги бузилишнинг сабаблари ва шарт-шароитларини эрта аниқлашга, тиббий хизматларнинг сифатига салбий таъсир қилувчи қатор тизимли камчилик ва муаммолар мавжудлигини аниқлади.

Хусусан, психиатрия муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шахс руҳий соғлиғининг ҳисобини юритиш, унинг текширувдан ўтказилишини ташкил этиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз вақтида кўриш мақсадида психиатрия хизматини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

Психиатрия муассасаларида врач-психиатрларнинг кескин етишмаслиги кузатилмоқда, бу эса беморларга барча зарур хизматлар турларини кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, мазкур соҳадаги хусусий тиббиётни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида ривожлантиришга имкон бермаганлиги аниқланди.

Психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни парваришлаш ва даволаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинганлигига қарамай уларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаганлиги аниқланди.

Рухий ҳолатлар бузилишининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, малакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Психиатрия ёрдами тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланиб, психиатрия хизматида ижобий томонга ўзгаришларлар кузалилиб, хусусан:

- даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта аниқлашни ташкил этишнинг вертикал яхлит тизимини шакллантиришни таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали бошқариш механизми жорий этилди;

- мамлакатнинг ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг барча тоифалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун сифатли ва қулай психиатрия ёрдами таъминлаш, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш учун дори воситаларига сарфланадиган харажатларнинг ягона ғайриихтиёрий нормативлари белгиланди;

- аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, психиатрия муассасаларининг врач-психиатрларга бўлган эҳтиёжини кондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан, хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиёт ташкилотларида оширилди;

- ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга туну-кун шошилиш ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, шу жумладан, ўз жонига қасд қилишнинг асл сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, ўз вақтида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди;

- психиатрия соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштирилди;

- аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, психиатрия муассасаларининг, шунингдек, улар бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга

руҳсат этилиб, психиатрия йўналишида бир қатор хусусий клиникалар ишга тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3606-сон қарорига мувофиқ аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, республика психиатрия муассасалари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бажарилмоқда.

Жумладан, "психиатрия" йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталикларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Психиатрия ёрдами тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сонли қарори 1 иловасида белгиланган топшириқга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сонли қарори билан "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини ривожлантириш концепцияси" тасдиқланди. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар аниқ кўрсатилди.

Концепциянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

- аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш, руҳий хасталикларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш;

- аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий тиббиёт амалиёти ривожланишини рағбатлантириш;

• рухий ҳолат бузилиши аломатларига эга бўлган инсонларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланиши ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, руҳияти бузилган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилиши учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

• рухий саломатликни муҳофаза қилиш масалаларида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан нотўғри тасавурларга барҳам бериш;

• ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини психиатрия ёрдами билан камраб олиш, рухий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

• аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини билан интеграция қилиш;

• аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

• психиатрия ёрдами кўрсатишда, айниқса, республика ҳудудларида идоралараро мултидисциплинар бригада иши моделини жорий этиш;

• психиатрия ёрдами кўрсатувчи амалдаги муассасалар негизида фаол терапияга ва кенг қўламли даволаш-реабилитация комплекс тадбирлари ўтказишга, кундалик врачлар кузатувида бўлишга муҳтож бўлган, бироқ куну тун психиатрия стационарига жойлаштирилиши шарт бўлмаган рухий ҳолати бузилиши зўрайдиган ёки компенсацияси бузиладиган шахслар учун кундузги стационарлар фаолиятини ташкил этиш;

• психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сонли қарори топшириғини таминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “психиатрия ёрдами тўғрисида” қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган. (Тошкент ш., 2021 йил 12 май, ЎРҚ-690-сон). Қонунда аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари, ҳамда ваколатлари аниқ чегараланиши назарда тутилиб, рухий беморларнинг ҳуқуқлари жакон тажрибасидан келиб чиқиб, янада кенгайтирилган.

Аҳолига малакали ва самарали психиатрия ёрдами кўрсатиш, самарадорлиги ва сифатини ошириш, рухий касалликларнинг ижтимоий ва

иктисодий ишини камайтириш, шунингдек, аҳолининг тиббий, диагностик ва тиббий реабилитация ёрдамидан максимал даражада қониқишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 19 июнь, ПҚ-196-сонли “Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорининг асосий мақсади аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, рухий бузилишларни эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, рухий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш, соҳада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, илм-фанни ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш бўлиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

• ихтисослаштирилган психиатрия ва наркологиya ёрдами кўрсатишнинг ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш;

• бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларига рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизматларини интеграция қилиш;

• рухий ҳолати бузилган шахсларни дори воситалари билан эҳтиёжга кўра тўлиқ таъминлаш;

• аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир ёшларнинг рухий саломатлигини мустаҳкамлаш;

• кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мутахассисларни муносиб рағбатлантириш ва самарали меҳнати учун қўшимча шароитлар яратиш;

• психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш.

Ушбу қарорга асосан 2023 йил 1 июлдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт марказини, Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказига айланттирилди ва ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3606 сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривож-

лантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4190 сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 19 июндаги ПҚ-196-сон “Аҳолининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5. Д.А.Асадов., Н.Д.Ходжаева. Принципы биоэтики и охрана психического здоровья. Материалы Первого Национального конгресса по биоэтике в Узбекистане. Т.USAID. 2005, 57-59

6. Биоэтика. Вопросы и ответы. Сост. и отв. ред. Б.Г. Юдин, П.Д. Тищенко. М., 2005. с. 29.

### **ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПСИХИАТРИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Алимов У.Х., Велияева А.С., Хаятов Р.Б.*

**Резюме.** В Республике Узбекистан взято направление на совершенствование службы охраны пси-

хического здоровья, диагностики, терапии, реабилитации и превенции психических расстройств. Представлена информация о новой редакции Закона Республики Узбекистан «О психиатрической помощи», отражающие основные принципы оказания психиатрической помощи и права психически больных, дополнительно расширенные на основе мирового опыта. Изложены основные положения развития психиатрической службы изложенные в ряде Постановлений Президента Республики Узбекистан: от 16 марта 2018 года № ПП-3606 «О мерах по коренному совершенствованию системы оказания психиатрической помощи»; от 13 февраля 2019 года № ПП-4190 «Об утверждении концепции развития службы охраны психического здоровья населения Республики Узбекистан на 2019 — 2025 годы», от 19 июня 2023 года № ПП-196 «О мерах по дальнейшему развитию службы охраны психического здоровья».

**Ключевые слова:** Психиатрическая служба РУз, Постановления Президента Республики Узбекистан о мерах по охране психического здоровья и совершенствованию системы оказания психиатрической помощи.